Причем, за пользу знаний выступали не только активные просветители, как Фитрат или Ахмад Даниш, который, обращаясь к молодому поколению, писал: "Конечная цель ваших внутренних стремлений и тех обещаний, которые сулят изучающим светские науки, состоит в том, чтобы побудить людей к овладению знаниями, дабы эти науки вечно развивались на земле"⁹. Но, что особенно важно, за пользу знаний выступали и ученые-богословы, основным занятием которых было каждодневное общение с простыми верующими. Например, в "Туркестанской туземной газете" за 1885 г. были приведены слова очень популярного среди жителей Ташкента ишана Абдулкасым-хана: "От усвоения знаний какого бы ни было народа получается только польза, так как каждый народ, усваивая знания другого народа, придает новую силу собственному знанию"¹⁰. Казий Сибзарской части Ташкента Мухитдин-Ходжа, сын последнего ташкентского кази-каляна Хакима-Ходжи, также высказывался за пользу знаний. При открытии 29 июля 1888 г. новой мечети Ходжи-Ахрара в Ташкенте он сказал: "Повсеместно на земном шаре и во все времена у образованных народов наиболее почитаются два предмета: один из них религия, а другой - знание"¹¹.

В то же время для всех прогрессивных представителей мусульманского духовенства Туркестана был характерен следующий факт. Призывая к изучению светских наук и использованию новых достижений цивилизации, они не стремились и не призывали к преданию своей религии, своих религиозных убеждений. Все они были за неизменное сохранение своей веры. А.Фитрат в сочинении "Рахбари-и нажот" ("Путь к спасению") предупреждает читателя, что своими призывами к заимствованию у европейцев и русских он не

⁸Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа (Ибрат). Мизан-аз-заман / Подготовка к изданию, предисловие, редакция текста проф. Коматпу Хисао, Бабаджанов Бахтияр. Ташкент; Токио, 2001. Предисловие. С. 8, текст л. 14 а-в, 24 в-25 в.

⁹Д а н и ш А х м а д. В назидание детям о пользе ремесел и занятий // Путешествие из Бухары в Петербург. Избранное. Душанбе, 1960. С. 235.

¹⁰Туркистон вилоятининг газети. 1885. № 22.

¹¹Там же. 1888. № 30.

призывает принять веру христиан и вопрос технических и научных связей не может и не должен выноситься в плоскость религиозных дискуссий¹². Более того, будучи людьми глубоко верующими, они призывали единоверцев приобретать знания для того, чтобы, по словам Саттархана Абдулгаффарова, "по возможности постичь произведения своего Творца и Его совершенное могущество". "В богословии нашем сказано, - писал он, - что Бог премудр и мы верим этому; но если мы не знаем анатомии, физики, химии и других светских наук, то мы не будем ясно понимать, в чем заключается Божия премудрость. Кроме того, при помощи этих светских наук мы и себе и ближним своим будем в состоянии больше приносить пользы"¹³.

В своих произведениях они, используя обширные богословские знания, создавали их в понятной для народа богословской манере изложения. Так, Исхак-хан тура свое вышеупомянутое произведение "Мизан-аз-заман" по стилистике построил как проповедь с наставлениями и напоминаниями с целью теологически оправдать и обосновать возможность использовать технические новшества новой цивилизации или предметы быта. Он пишет: "Новые вещи появляются каждую эпоху и их стоит взвешивать на весах эпохи". Их он рассматривает как существующие в реальной жизни, не отраженные в шариате, но и не противоречившие ему¹⁴.

Как отмечалось выше, утверждение в крае власти колониальной администрации имело для мусульманского сообщества и ряд негативных последствий. Одним из их проявлений было ухудшение качества судопроизводства для местного населения, осуществляемого судами казиев. Казии были не просто юристами, а образованными богословами, прекрасно знающими Коран, множество его толкований и толкований законов шариата. До завоевания края Российской империей казии назначались кази-каляном. Причем, только из богословов, прошедших полный курс наук в мадраса, где ученики должны были показать не только свои способности в знаниях, но и прилежание, и безукоризненное поведение в быту.

В соответствии с "Положением об управлении Туркестанским краем" для коренного населения были сохранены народные суды - суды казиев. Но должность кази-каляна была упразднена, а казии стали избираться обществом на 3 года. От кандидатуры на должность казиза теперь не требовалось обязательного богословского образования,

¹²Б а б а д ж а н о в Б. Указ соч. С. 15.

¹³Туркистон вилоятининг газети. 1885. № 13.

¹⁴И с х а к - х а н т у р а (Ибрат). Указ соч. Предисловие. С. 6.

просто он должен был быть не младше 25 лет, пользоваться уважением и доверием народа, не состоять под судом и следствием. "Он был, по словам крупного колониального чиновника и этнографа Н.Лыкошина, избранником толпы, а вернее какой-либо определенной группы, победившей на выборах"¹⁵. Отсутствие требований об образовательном уровне будущих судей открыло широкий доступ к судопроизводству людям малограмотным и невежественным, а это немедленно сказалось на его качестве. Чиновник колониальной администрации Н.Мордвинов писал: "Среди современных казиев есть немало таких, которые не знают не только ни Корана, ни шариата, но и почти безграмотные. Кази-калянов давно уже нет, следовательно, нет и обычного в прежнем суде надзора за познаниями казиев и за нравственной стороной их жизни. Современный суд казиев сохранил только прежнюю форму, а не содержание, да и форму то существенно испорченную"¹⁶.

Кроме того, в исследуемый период в крае наблюдалось общее понижение уровня знаний у казиев, имеющих высшее мусульманское образование, т. е. окончивших полный курс туркестанских мадраса. Прежде всего, среди них отмечалось ухудшение знания арабского языка. А поскольку все мусульманские трактаты по юриспруденции были написаны только на арабском языке, то это и обусловило, прежде всего, затруднение их прочтения, а значит и детальное знание законов шариата. Туркестанские мадраса заметно стали снижать уровень своего обучения. Специалисты объясняли это тем, что с упразднением должности кази-каляна ухудшился надзор за расходованием доходов с вакфного имущества, на которые содержались мадраса. Кроме того, много значительных вакфов находилось под непосредственным надзором кокандского хана и его видных сановников, которые считали лучшим средством для прославления своего имени учреждение богатых вакфов в пользу крупных мадраса. Тем самым объективно они способствовали развитию мусульманского образования и богословия. Отстранение государства от управления вакфным имуществом и фактическая передача его частным лицам, которые "уже не так близко принимали к сердцу благополучие ученых и процветание учебных заведений"¹⁷, привело к тому, что доходы туркестанских мадраса стали падать, а с ними начало ухудшаться и качество преподавания в них. И только в Бухаре, благодаря наличию мадраса с очень

¹⁵Лыкошин Н. С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. Петроград, 1916. С. 56.

¹⁶Мордвинов Н. Л. К вопросу о положении оседлых инородцев Туркестана // Туркестанский сборник. Ташкент, 1908. Т. 454. 801.

¹⁷Лыкошин Н. С. Полжизни в Туркестане. С. 68.

I-son

богатыми вакфами¹⁸ и хорошему надзору за ними, по свидетельству современников, изучение мусульманского законовещения продолжало поддерживаться на прежнем высоком уровне и "хорошо подготовленные ученые выходили только из мадраса Бухары"¹⁹. Поэтому на имя Туркестанского генерал-губернатора постоянно поступали прошения о разрешении выезда в Бухарский эмират для получения там богословского образования²⁰.

И все же, несмотря на все эти негативные моменты, мусульманское население края принимало свои суды казиев, как данную им шариатом неизбежность и даже не помышляло об их возможной замене европейским судом. Более того, чиновники колониальной администрации с удивлением констатировали тот факт, что в начале XX в. русское население начало широко пользоваться предоставленным им "Положением об управлении Туркестанским краем", правом по исковым делам с местным населением обращаться в народные суды - суды казиев. "Казалось бы, - пишет Н.С.Лыкошин, - до крайности нелепо предпочитать решению дела у мирового судьи по строго определенным статьям европейского кодекса разбирательство в народном суде и отдавать свое дело в руки иноверца и иноплеменника, не связанного никакими нам известными положениями и во всем ссылающегося на юридические тонкости шариатских судов. Однако русские люди в своих делах все чаще бращаются к народному суду"²¹. Можно предположить, что русских привлекало то, что у казиев вопрос решался быстро, а у мирового судьи он мог превратиться в долгое разбирательство.

Факты говорят, что и в начале XX в. ислам все также регламентировал взаимоотношения всех слоев мусульманского общества, сопровождал и направлял жизнь и труд дехканина, ремесленника, торговца. И те некоторые трансформации исполнения религиозной обрядности, произошедшие под влиянием изменившейся экономической ситуации и некоторых цивилизационных процессов, не дают оснований для утверждения о наличии ее кризиса. Тем более, что мусульманское духовенство по-прежнему владело системой мусульманского образования и религиозно-нравственного воспитания, народным судопроизводством, регламентировало бытовые отношения мусульман. Сильные позиции ислама в Туркестане была вынуждена признавать колониальная администрация на самом высшем уровне. Туркестанский генерал-губернатор

¹⁸В начале XX в. в г. Бухаре насчитывалось 172 мадраса, вакфное имущество которых составляло 3 млн. 700 тыс. таньга, из них 33 мадраса были высшего типа: их доходы составляли 2 млн. 815 тыс. таньга. (Остроумов Н.П. Введение в курс исламоведения. Ташкент, 1914. С. 167.

¹⁹О с т р о у м о в Н. П. Введение в курс исламоведения. С. 167.

²⁰См.: ЦГА РУз, ф.И- 1, оп. 20, д. 46.

²¹Л ы к о ш и н Н. С. Полжизни в Туркестане. С. 107.

С.М.Духовской в своем всеподданнейшем докладе Николаю II "Ислам в Туркестане", написанном в 1899 г. с позиций явного превосходства русского колонизатора, констатировал, что ислам в крае "до сего времени представляет собой солидную силу, с которой нам неизбежно придется считаться еще долгое время. Никак не следует форсировать нашу миссионерскую деятельность... Ислам в Туркестане столь силен, что на быстрый перелом и особенно поколения, выросшего под обаянием его нынешней силы, было бы напрасно рассчитывать"²². Таким образом, ислам и в колониальном Туркестане продолжал оставаться влиятельной силой мусульманского общества.

Н. Махжамова

Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаётида мусулмон руҳонийларининг тугган ўрни (XIX аср охири - XX аср боши)

Мақолада Ўрта Осиё Россия томонидан забт этилганидан сўнг ислом динида рўй берган трансформацион жараёнлар ёритилган. Шунингдек, Туркистон Россия мустамлакаси бўлишига қарамай жамият ҳаётига мусулмон руҳонийларининг таъсир кучи мавжуд бўлганлиги, ҳамда аҳоли ҳаётининг ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, маънавий, ахлоқий соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилганлиги кўрсатиб ўтилган.

N. Mahkamova

The role of Muslim clergymen in the social life of the Turkestan society (the end of 19th - beginning of 20th centuries)

The article analyzes the transformation processes in Central Asia after the occupation of Russian Empire. Besides, the paper mentioned that despite being the colony of Russian Empire, it was strong influence of Muslim clergymen in social life and the life style of the nation in legal, socio - cultural and spiritual fields was infused by Islamic regulation.

²²ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 11, д. 1832-а, л. 2 об, 6 об.

*III. Сауд оё***XXCR НИНГ ТУРКИСТОНДАГИ БОШ КОНСУЛХОНАСИ
ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА
(1921-1924)**

Хива хонлиги мустақил давлат сифатида 1920 йил 2 февраль куни большевиклар томонидан уюштирилган тажоввуз натижасида тугатилди. Деярли беш асрга яқин мавжуд бўлган давлат совет Россияси улуғ давлатчилиқ сиёсатининг қурбони бўлди.

Хоразмда хонлик тузуми ағдарилганлигини қонунлаштириш ва халқ иродасини амалга ошириш мақсадида чақирилган халқ вакилларининг I Бутун Хоразм Қурултойи 1920 йил 27-30 апрель кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Хоразм Республикасининг қонунийлигини тасдиқлаш, янги давлат ва бошқарув органларини тузиш асосий масала эди. Шу билан бирга қурултойда мамлакатнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берувчи асосий қонун - Хоразмнинг биринчи конституцияси қабул қилинди. Бу ҳужжат Хоразм Халқ Совет Республикасининг мустақил давлат сифатидаги ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциянинг VI бўлими, 23, 24 моддаларида XXCRнинг олий вакиллик органи ҳисобланган Қурултой (яъни, парламент С. Ш.) ва Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси (ХМИК)нинг ҳуқуқ ва вазифалари белгилаб берилди. 23-модданинг 13-бандида Хоразм Халқ Совет Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ХМИКнинг ваколати эканлиги қайд қилинади¹. Унда "чет давлатлар билан алоқалар ўрнатиш, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш" тўғрисида сўз боради. 24-моддага мувофиқ эса, ташқи сиёсат йўналишларини белгилаш Бутун Хоразм Қурултойининг устун ҳуқуқи эканлиги белгилаб қўйилган.

Конституциянинг IV бўлими, 15-моддасида Хоразм Республикаси ташқи алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида алоҳида давлат идораси, яъни Ташқи ишлар нозирлиги ташкил қилиниши кўрсатилган. Чет мамлакатлар билан дипломатик, савдо ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, халқаро майдонда Хоразм Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш Ташқи ишлар нозирлигининг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Ташқи ишлар нозирлиги ваколатлари 1921 йил 21 июль куни Хоразм Марказий Ижроия Қўмитасининг йиғилишида

¹ЎзРМДА жамғарма. 69-ж, 1-ёзув, 58-иш, 21-22-в.

тасдиқланган "Низом"да ўз аксини топган². Мазкур ҳужжатда "...қўшни ва бошқа давлатларга ХХСРнинг ваколатли ва доимий мухтор вакиллари юбориш, уларнинг ҳукуматлари билан сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий муносабатлар соҳасида музокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш"³ ҳақида сўз боради.

ХХСРнинг ташқи алоқаларини йўлга қўйиш учун ташкилий ҳуқуқий, конституцион асосларнинг яратилиши амалий ҳаракатлар учун йўл очиб берди. Маълумки, большевиклар Хоразмнинг мустақил ташқи сиёсат олиб боришига йўл қўймаслик мақсадида давлатлараро тузилган шартнома ва келишувларни ўз манфаатларига мослаштириб, халқаро майдондаги суверен ҳуқуқларини чеклаб қўйган. Оғизда, Шарқ мамлакатларининг озодлиги ва эркинлигини тан олиб, амалда мустамлакачиликнинг янги шаклини ўрнатган советлар Хоразмнинг ички ва ташқи сиёсатини тўлиқ назоратга олдилар. Аммо, Хоразм вакиллари халқаро майдонда фақат Россия билан ташқи алоқаларни олиб боришни мақсад қилиб қўймаган эдилар. Бу борада бошқа манфаатдор давлатлар билан икки томонлама музокаралар олиб борилди. Натижада, ХХСР Хоразм билан доимий муносабатларни ўрнатишни истаган давлатларда дипломатик, савдо ваколатхоналарини ташкил қилишга киришдилар. Мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни кенг аҳамиятига қараб, қуйидаги ташқи Ваколатхоналар очилди.

1. РСФСР, Эрон, Туркия, Озарбайжонда Мухтор дипломатик Ваколатхоналар (элчилар даражасида);

2. Бухоро, РСФСР, Афғонистон, Туркистон АССРда Консулхоналар;

3. Бухоро, РСФСР, Финляндияда савдо Ваколатхоналари иш олиб борди⁴. Шунингдек, мазкур мамлакатлар ХХСРда ўз элчихона ва савдо Ваколатхоналарига эга эдилар.

ХХСР РСФСР таркибида бўлган Туркистон Республикаси⁵ билан ҳам муносабатлар ўрнатишга жиддий эътибор берган. Чунки, Туркистон генерал губернаторлиги даврида Тошкент шаҳри, амалда бутун Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий марказига айланди. Шунинг учун, Туркистон ўлкаси, Бухоро, Хоразмда иш олиб бораётган барча рус ва хорижий савдо - саноат компанияларининг идоралари,

²Сарсембаев М. А. Международно-правовые отношения государств Центральной Азии. Алма-Ата, 1995. С. 156.

³Сарсембаев М. А. Международно-правовые отношения... С. 156-157.

⁴Сарсембаев М. А. Международно-правовые отношения... С. 161.

⁵Туркистон Республикаси - 1918 йил апрел ойида Туркистон генерал - губернаторлиги ўрнида ташкил қилинган. Туркистон АССР номланиши. (С.Ш).

1-son

РСФСР билан дипломатик алоқалар ўрнатган Фарб ва Шарқнинг айрим мамлакатлари консулхоналари Тошкентда жойлашган эди. Шу сабабли Хоразм Республикасининг РСФСРдаги Фавқулудда ва Мухтор Ваколатхонаси (Элчихонаси) Москвада иш олиб борган бўлса, унинг Консулхонаси Туркистон Республикасининг маркази Тошкент шаҳрида фаолият юритган.

Ҳужжатларда ХХСРнинг Тошкентдаги Бош Консулхонасини фаолият бошлаш санаси 1921 йил 5 август қилиб кўрсатилган⁶. Бошқа бир ҳужжатда 1921 йил 9 августда иш бошлагани қайд қилинади⁷. Шунини таъкидлаш керакки, Бош Консулхона расмий фаолият бошлашидан олдин Тошкентда Хоразм Республикасининг Ваколатхонаси иш олиб борган. Бош Консулхона, дастлаб Туркистон Республикаси Ташқи Ишлар Халқ комиссарлигига қарашли Чет эл Миссиялари ётоқхонасида 1921 йил августидан, 1922 йил декабригача фаолият юритган. Хоразм ҳукуматининг қарори билан ХХСР нинг Туркистондаги Бош Консули лавозимига Бобожон Ёқубов тайинланган. Бобожон Ёқубов Хива хони Асфандиёрхон (1910-1918) даврида Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобооҳун Салимовлар билан бир сафда туриб ислоҳотлар учун курашган "Ёш хиваликлар"дан бири эди. У мазкур лавозимда Консулхона тугатилгунга қадар хизмат қилган. Шунингдек, Бош Консулхонада Умрзоқ Бобожонов Бош Консул ўринбосари, А. Шерстневский ишлар бошқарувчиси, Аҳмаджон Собитов дипломатик курьер, Зупар Хошимжоновлар хўжалик мудирлари лавозимларида иш олиб боришган⁸.

Аммо, совет идора органларининг айби, масъулиятсизлиги туфайли Хоразм Республикасининг Бош Консулхонаси ходимлари жуда қийин шароитларда, мослаштирилмаган биноларда ўз вазифасини бажаришга мажбур бўлишган. Ҳатто, Консулхона ходимлари учун оддий стол стуллар етишмаган, хоналар тор, совуқ бўлган. Большевик раҳбарларнинг бундай эътиборсизлиги, совуққонлиги мустақил давлат сифатида тан олинган Республиканинг дипломатик ваколатхонасига беписандлиги, мазкур соҳада қабул қилинган Халқаро конвенцияларга амал қилмаганлигини яққол кўрсатади. Бу ҳақда, ХХСРнинг Бош Консули Бобожон Ёқубов 1922 йил 23 октябрь куни РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакили ўринбосари лавозимида ишлаётган Силинга⁹, шунингдек 24 октябрда РКП Ўрта Осиё бюроси раиси Рудзутакга ёзган хатларида жиддий тўхталиб ўтган. Бобожон Ёқубов ўз хатида, аввал, "Ёш хиваликлар" Марказий Кўмитасига қарашли бўлган Гоголь кўчаси, 31 уйда жойлашган, ҳозирда эса советлар томонидан мусодара қилинган бинони Бош Консулхонага фойдаланиши учун қайтариб беришини сўраган¹⁰. Мазкур ҳовли "Ёш хиваликлар"нинг этакчиларидан бири, Хиванинг йирик савдогарларидан ҳисобланган

⁶ЎзРМДА. 69-ж, 1-ёзув, 58-иш, 114-в.

⁷Ўша жойда. 48-иш, 145-в.

⁸ЎзРМДА. 69-ж, 1-ёзув, 58-иш, 114-в.

⁹Ўша жойда. 94-в.

¹⁰Ўша жойда, 1-рўйхат, 48-иш, 145, 146-в.

Хусайинбек Матмуродовнинг хусусий мулки бўлган. Хива хони Асфандиёрхон таъқибидан қочган Полвонниёз Хожи Юсупов ва бошқа "Ёш хиваликлар" 1917-1920 йилларда шу уйда яшаб, ўз фаолиятларини олиб боришган. Шунинг учун ҳам Хоразм Республикасининг Тошкентдаги вакиллари совет органларига расмий равишда мурожаат қилган эди. Аммо сўров эътиборга олинмади. Ленинград кўчаси, 34 уйда жойлашган бинонинг бир қисми ХХСР Консулхонасига ажратилади¹¹.

Бундай ноқулайликлар ва сунъий тўсиқларга қарамасдан, ХХСРнинг ташқи алоқаларида ва халқаро майдондаги мавқени мустаҳкамлашда Бош Консулхона ходимлари катта хизмат қилдилар. Масалан, Бобожон Ёқубов ва Ваколатхона ходимлари Хоразм халқи ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, 1922 йил 29 июнда Тошкент шаҳрида РСФСР ва ХХСР ўртасида имзоланган янги иқтисодий битимнинг тайёрланишида фаол иштирок этдилар. Маълумки, иккала мамлакат ўртасида 1920 йил 13 сентябрь куни имзоланган шартнома Хоразм Республикасининг ташқи сиёсий-иқтисодий алоқаларини, халқаро майдондаги суверен фаолиятини деярли чеклаб қўйган эди. Хоразмнинг ватанпарвар раҳбарлари, Москва, Тошкентдаги дипломатик ваколатхона вакиллариининг саъй ҳаракатлари туфайли давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи янги шартнома лойиҳаси тайёрланди. Бунда, юқорида таъкидлаганимиздек ХХСР нинг Тошкентда жойлашган Бобожон Ёқубов бошчилигидаги Консулхона ходимлари, айниқса жонбозлик кўрсатишди. Натижада, Тошкентда РСФСР ва ХХСР ўртасидаги муносабатларнинг янги тартибини белгиловчи, ташқи иқтисодий алоқаларда бирмунча эркинликлар берувчи шартнома юзага келди. Битимни РСФСР ҳукумати томонидан, Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитаси ва Комиссарлар Кенгашининг Туркистон ишлари бўйича хайъат раиси Сергей Иванович Гусьев, РСФСР Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлигининг Ўрта Осиёдаги Мухтор вакили ўринбосари Владимир Маисеевич Цукерман, ХХСР ҳукумати номидан ХХСР Нозирлар Кенгаши раиси Абдулла Абдураҳмон Хўжаев имзолаган¹².

1921 йили қурғоқчилик ва ҳосилсизлик натижасида Россиянинг Волгабўйи ҳудудларини оммавий очарчилик қамраб олади. Шу муносабат билан Бошқирдистон Республикасининг Туркистон Республикасидаги Мухтор вакили Амиров, Хоразм Республикасининг Бош Консулига ва Хоразм ҳукуматига мурожаат қилиб, очликдан қийналаётган бошқирд халқига ёрдам беришини сўрайди¹³. Расмий хатда қурғоқчилик натижасида Россия ва Бошқирдистонда вужудга келган фожиавий аҳвол, яъни оммавий очарчиликнинг даҳшатли оқибатлари рўй-рост баён қилинган. Унда ёзилишича, очарчилик

¹¹ЎЗРМДА. 69-ж, 1-ёзув, 45-иш, 3-в.

¹²ЎЗРМДА. 71-ж, 1-рўйхат, 30-иш, 10, 12-иш.

¹³ЎЗРМДА 69- жамғарма, 1-ёзув, 9-иш, 11,12-в.

1-son

аҳолининг 90 фоизини қамраб олган. Хоразм Республикасининг Тошкентдаги Бош Консули Бобожон Ёқубов мамлакат раҳбарларига мазкур илтимосномани зудлик билан етказди. Хоразм ҳукумати қарори билан Россия халқига 1 000 пуд (16 тонна) озиқ-овқат жўнатилади¹⁴.

Бу даврда Тошкентда Фарбнинг айрим давлатларига тегишли бўлган савдо компаниялари фаолият олиб бормоқда эди. Айниқса, 1922 йилда РСФСР ва Германия ўртасида имзоланган савдо шартномаси ўзаро алоқаларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Масалан, Германиянинг "К.Мебес Ориент-Линия" номли пароход- транспорт компаниясининг Ўрта Осиёдаги Ваколатхонаси бошлиғи ХХСР нинг Тошкентдаги Бош Консулига мурожаат қилиб қўйидагиларни ёзади: "...Хоразм Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош Консули жанобларига Германиянинг "К.Мебес Ориент-Линия" жамияти Ўрта Осиё ваколатхонаси, Сиздан ХХСР ҳудудларида, Германия "К.Мебес Ориент-Линия" пароход транспорт ва экспедиция компаниясининг агентлигини очишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман. Агентлик ишларида қатнашиш учун Хоразм Халқ Республикаси ва РСФСР фуқаролари ҳам таклиф қилинади. Сизга чуқур ҳурмат билан Германиянинг "К.Мебес Ориент-Линия" жамияти Ўрта Осиё ваколатхонаси бошлиғи Майеер"¹⁵.

Мазкур пароход транспорт компаниясининг дунё савдосида ўзига хос ўрни бўлиб, Гамбург, Константинополь (Стамбул, Туркия), Боку, Ботуми (Грузия) каби шаҳарларда савдо агентликлари мавжуд эди. Германияликлар шундай агентликни Хоразмда ҳам очишни режалаштирганлар. Консулхона нафақат ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш, балки Туркистонда Хоразм Республикаси фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият билан ҳам шуғулланган. Айниқса, хоразмлик ўнлаб талаба ёшларни Тошкентда яшаши ва зарур мутахассис бўлиб етишишида Консулхонанинг ўрни беқиёс бўлди. Масалан, ҳужжатларнинг бирида қайд қилинишича ХХСР Бош Консули Хоразм фуқароси, талаба Н. Аллабергановни ўқишга қабул қилиш ва ўқиши учун етарли шарт-шароит яратиб берилишини сўраб Ишчилар Университети маъмуриятига мурожаат қилади¹⁶. Масала ижобий ҳал бўлган.

ХХСРнинг Тошкентдаги Бош Консулхонаси 1923 йилнинг охиригача фаолият олиб борган. 1924 йилнинг бошларига келиб Бош Консулхона тугатилади, унинг ўрнида Хоразм Республикасининг Туркистон Республикасидаги савдо ва иқтисодий Ваколатхонаси ташкил қилинади. ХХСР Бош Консули бўлиб ишлаган Бобожон

¹⁴Хоразм хабарлари. 1922 й.№ 2.

¹⁵ЎзРМДА. 69-жамғарма, 1-ёзув, 45-иш,3-в.

¹⁶ЎзРМДА. 69-жамғарма, 1-ёзув, 48-иш,94-в.

I-son

Ёқубов савдо ва иқтисодий Вакил қилиб тайинланади. Консулхона ходимлари Умрзоқ Ёқубжонов, Зупар Ҳошимжонов, Аҳмаджон Самедовлар савдо ваколатхонасида ўз фаолиятларини давом эттирадилар. 1924 йилнинг охирига келиб Урта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида ХХСР тугатилиши муносабати билан мазкур Ваколатхона ҳам ўз фаолиятини тўхтатади.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларидан келиб чиқиб, Россия, унинг мухтор вилояти ҳисобланган Туркистон Республикасида давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган ХХСРнинг Тошкентдаги Бош Консулхонаси 1921 - 1923 йилларда фаолият олиб борган. Бош Консулхона Хоразм Республикасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, Германия, Россия ва унинг мухтор республикалари Туркистон ҳамда Бошқирдистон билан доимий алоқаларни ўрнатишда Консулхона ходимларининг хизмати салмоқли бўлди. Айниқса, Бош Консул вазифасини бажарган Бобожон Ёқубовнинг ватанпарварлиги, ташаббускорлиги ва ишчанлиги туфайли Консулхона оғир шароитларда ҳам муваффақиятли фаолият олиб борди.

Ш. Саидов

О деятельности Генерального Консульства ХНСР в Туркестане

Данная статья посвящена деятельности Генерального Консульства Хорезмской Народной Советской Республики в Туркестанской республике, расположенного в городе Ташкенте с 1921 по 1924 г.г. Как показывают источники, Консульство и его сотрудники честно служили во благо своего народа и защищали интересы страны на международной арене.

Sh. Saidov

About Activities of KhPSR General Consulate in Turkistan

This article is devoted to the activities of the General Consulate of the Khorezm People Soviet Republic in Turkistan Republic, represented in Tashkent from 1921 to 1924. As sources show the Consulate and its staff worked honestly in people's favour and defended interests of the state on the world arena.

Д.Зияева

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛК ВА ТАДБИРКОРЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ

1917 йил ноябрда Россияда, кейин эса Туркистонда ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаган большевиклар олиб борган иқтисодий сиёсат дастлабки йиллардан оқ барча соҳада - қишлоқ хўжалиги, саноат, боғдорчилик, табиий ресурслар, банк-молия тизими ва, умуман, халқ хўжалигининг барча соҳаларида давлат монополиясини ўрнатишга қаратилган эди. Бу сиёсатдан кўзланган мақсад - мамлакат иқтисодини марказдан туриб тўла бошқариш, ўлканинг иқтисодий, меҳнат, ишлаб чиқариш ва табиий ресурсларини тўла идора этиш имконига эга бўлиш эди. Шу мақсадда совет ҳокимиятининг иқтисодий соҳада қабул қилган декретлари, энг аввало, иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган объектлар - ер-сув, саноат корхоналари, транспорт, банкларни давлат мулки деб эълон қилиб, уларни ўз эгаларидан ҳеч бир тўловсиз зўрлик билан тортиб олишга қаратилди. Национализация деб ном олган мазкур сиёсат бутун мамлакат миқёсида амалга оширилди ва бир неча босқичда ўтказилди.

Биринчи босқичда, совет ҳокимияти ўлкадаги Россия саноати учун қимматли хомашё бўлган пахта саноатини национализация қилишга киришди. 1918 йил 26 февралда (бошқа манбаларда қайд этилишича, 1918 йил 28 февралда) ўлкадаги барча пахта хомашёсини давлат мулки деб эълон қилди, 7 мартда эса пахта тозалаш заводлари ҳамда шу соҳа билан боғлиқ ишлаб чиқариш корхоналари барча восита ва захиралари билан давлат мулки деб эълон қилинди¹. Декретга қаршилик кўрсатганлар отиб ташланиши огоҳлантирилди. Мазкур декрет асосида ўлкада барча пахта захираси тортиб олина бошланди, қисқа муддатда совет ҳокимияти бутун Туркистон бўйлаб 19 млн. пуд пахтани ўз қўл остига олишга муваффақ бўлди. Ўлкадаги нафақат маҳаллий саромоядорлар, балки хорижий саромоядорларга тегишли пахта саноати ва захиралари ҳам зўрлик билан тортиб олинди².

Қисқа фурсатда Туркистонда 326 корхона давлат ихтиёрига тортиб олинди, шундан 288 таси пахта тозалаш заводи, 38 таси ёғ-мой ва

¹ЎзР МДА, Р-111 жамғарма, 1-руйхат, 232-йиғмажилд, 39-в.

²У л ь м а с о в А. Национализация промышленности в советском Туркестане. Ташкент. 1960. 68 бет.

совун чиқарувчи корхоналар эди³. Национализация қилинган пахта тозалаш заводларининг 87,7 фоизи рус ва хорижий сармоядорларга, 12,3 фоизи маҳаллий тадбиркорларга тегишли эди⁴. Совет ҳокимияти фирмалар, хусусий тадбиркорлардан тортиб олган пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларидаги ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати 1,5 млрд. тиллани ташкил этар эди⁵.

Пахта саноати давлат ихтиёрига тортиб олингач, пахтани марказга жўнатиш янада жадаллашади. Бунга қадар марказга 596 вагон пахта жўнатилган бўлса, национализация сиёсати амалга оширилгач, Туркистондан Россияга Оренбург орқали 719 вагон пахта, Красноводск орқали 676 вагон пахта жунатилади⁶, шундан марказга 1078 вагон пахта етиб боради⁷. Бундан ташқари, пахта омборларининг тортиб олиниши натижасида ХКС нинг пахта бўлими марказга жўнатиш учун 5112 вагон пахта ҳозирлаб қўяди⁸.

1920 йил 9 декабрда совет ҳукумати пахта саноатини национализация қилиш ҳақида янги декрет қабул қилади. Унга кўра, республикадаги пахта бозорлари ёпилади ва пахта ҳамда пахта уруғини сотиш, сотиб олиш ҳамда сақлаш қатъий тақиқланади. Мазкур буйруқни бузган шахслар судга берилиши ҳамда уларнинг ихтиёридаги пахта ва пахта уруғлари мусодара этилиши белгилаб қўйилади.

Бундан ташқари, мазкур декретга биноан, хусусий шахслар ихтиёрида ги барча пахта тозалаш машиналари, дастгоҳ ва қурилмалар давлат мулки деб эълон қилиниб, уларни туман тўқимачилик органларига топшириш буюрилади⁹. Декрет ижроси ва назорати инқилоб трибуналларига топширилади. Масалага бундай ёндошув пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида 1918-1920 йиллар давомида тўлиқ давлат монополияси ўрнатилганлигидан далолат беради. Мазкур тадбирдан кейин 1918 йилнинг 26 мартада ўлкадаги ёқилғи саноати давлат мулки деб эълон қилинди¹⁰ ва "Қизил-Қия", "Сулукта", "Кўк-Ёнғоқ" кўмир ишлаб чиқариш акционерлик компаниялари, "Чимён", "Санто" нефть ишлаб чиқариш саноати, "Соль-Рохо" озокерит саноати, умумий ҳисобда 13 та тоғ-кон саноати ишлаб чиқариш корхоналари давлат қўлига тортиб олинди. Бу корхоналар ишлаб чиқариш воситалари, маҳсулот захиралари билан бирга тортиб олинди.

³ЎзР МДА. Р-43 жамғарма, 1-рўйхат, 1а - йиғмажилд. 364-в.; Р-111 жамғарма, 1-рўйхат, 175-йиғмажилд, 2, 67-в.

⁴У л ь м а с о в А. Қўрсатилган асар.72-бет.

⁵У л ь м а с о в А. Ўша ерда, 74-бет.

⁶ЎзР МДА. 111 жамғарма, 1-рўйхат, 282-йиғмажилд. 22-в.

⁷Ўша ерда. В.22 в. орқ.

⁸Ўша ерда. 23-в.

⁹ЎзР МДА. Р-111 жамғарма, 1-рўйхат, 853-йиғмажилд, 5-в.

¹⁰ЎзР МДА. Р-25 жамғарма, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд, 4-в.

Мазкур корхоналар, асосан, хорижий ва рус сармоядорларига тегишли эди. Хусусан, "Фарғона ойл" ва ака-ука Нобеллар корхоналари инглиз ва америка сармоядорларига мансуб эди. 1918 йил август ойида давлат ихтиёрига тортиб олинган "Доғистон-Челекен жамияти" ҳам инглиз тадбиркорларига қарашли эди.

Совет ҳокимияти ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам хусусий мулкка барҳам бериб, давлат монополиясини зўрлик билан ўрнатди. Хусусан, 1918 йил 31 мартда эълон қилинган ХКС декретига биноан¹¹ ўлкадаги 20 та босмахона ва литографиялар давлат ихтиёрига тортиб олинди. Бундан кўзланган мақсад нашр органлари ҳамда матбуотни тўлиқ ҳокимият ихтиёрига олиб, уни ўз манфаатлари йўлида хизмат қилишга бўйсундириш, фикр ва сўз эркинлигига барҳам бериш эди.

1918 йилнинг март ойида тегирмонлар давлат ихтиёрига тортиб олинди, август ойида эса ўлкадаги кўнчилик заводлари ҳам давлат ихтиёрига ўтказилди. Шу тариқа, бу соҳада ҳам давлат монополияси ўрнатилди.

Совет ҳукумати ишлаб чиқариш соҳаси билан чекланиб қолмади. 1918 йилнинг биринчи ярмида транспорт тизимида давлат монополиясини ўрнатишга киришди. Чунончи, қисқа фурсатда шахсий маблағлар эвазига қурилиб, ишга туширилган хусусий темир йўллар ҳамда уларнинг 360 млн. рубль қийматидаги турли воситалари¹², сув транспорти - Орол денгизи ва Амударёдаги "Хива" пароход акционерлик жамияти давлат ихтиёрига тортиб олинди.

Совет ҳокимияти ўз ҳукмронлигининг дастлабки 8 ойида ўлкадаги 330 та йирик саноат корхоналарини, 1919 йил охиригача эса 770 та корхонани хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлар қўлидан тортиб олиб, давлат мулкига айлантирди.

Шу тариқа, дастлабки босқичда совет ҳокимияти ўлкадаги енгил саноат корхоналарини тортиб олишга ҳаракат қилди. Марказий ҳудудлардан фарқ қилиб, Туркистонда нафақат йирик саноат объектлари, балки майда ва ўрта саноат корхоналари ҳам национализация қилинди.

Аммо мазкур корхоналарнинг ярмидан кўпи ўз фаолиятини давом эттира олмай тўхтаб қолди. Натижада Туркистонда ишлаб чиқариш ҳажми 1920 йилга келиб 1914 йилга нисбатан 80 фоизга камайиб кетди. Совет ҳукумати хўжаликлар, ер-мулк ва саноат корхоналарини тортиб олиш билан чекланиб қолмай, хусусий мулк бўлган уй-жой,

¹¹ЎзР МДА, Р-27 жамғарма, 1-рўйхат, 758-йиғмажилд, 51-в.

¹²ЎзР МДА, Р-18 жамғарма, 2-рўйхат, 151-йиғмажилд, 15-16-в.

бинолар ва бошқа муассасаларни ҳам тортиб ола бошлади. 1918 йил декабрда қабул қилинган декретда хусусий шахсларга тегишли бўлган ва 1914 йилдаги нарх мезонлари асосида 15000 рублдан қиммат баҳоланган бинолар, уй-жойлар, кўчмас мулклар совет ҳокимиятининг мулки деб эълон қилинади ва ҳеч бир тўловсиз тортиб олинади.

Йирик мулкларни давлат ихтиёрига тортиб олиниши муҳим иқтисодий объектларни тортиб олиш билан чекланмади. Совет ҳокимияти, ҳаттоки, боғдорчилик хўжалиklarини ҳам хусусий мулк сифатида тугатиб, давлат ихтиёрига тортиб ола бошлади. Хусусан, совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг 10 кун ўтиб, 1917 йил 4 декабрда Россия Федератив Республикаси марказий ҳокимияти барча боғлар ва узумзорларни давлат мулки деб эълон қилди. 1918 йил 27 январда эса бу қарор Туркистон ўлкаси бўйлаб кучга кирди. Мазкур қарорга асосан, дастлаб, Тошкент уездидаги катта-кичик боғлар тортиб олина бошлади¹³. 1918 йил 25 мартда ХНС томонидан боғ хўжалиklarини национализация қилиш ҳақида декрет имзоланиб, кучга кирди. Қисқа фурсатда биргина Тошкент уезди ҳудудида катта-кичик 40 та боғ хўжалиklари давлат ихтиёрига тортиб олинди. Боғ хўжалиklarининг нафақат ер-сувлари, балки асбоб ва иш қуроллари, мева захиралари, чорва ва паррандалари, жонли ва жонсиз инвентарь ҳамда қурилган бинолари билан давлат ихтиёрига тортиб олинди¹⁴.

Хусусан, 1918 йил 26 мартда совет ҳокимияти Тошкент атрофидаги 1860 десятина ерни эгаллаган йирик боғни давлат ихтиёрига тортиб олган бўлса¹⁵, ўша йилнинг кузида айнан шу ҳудудларда 1240 десятина ерни эгаллаган 50-60 та ўрта ҳажмдаги хусусий боғларни давлатга тортиб олиш ҳақида қарор чиқарилади¹⁶. Булардан ташқари, майда боғлар ва узумзорлар ҳам ҳисобга олинади. Тортиб олинган боғлар Ер ишлари комиссарлиги ихтиёрига берилган бўлиб, улар орқали боғдорчиликка умуман алоқаси бўлмаган артеллар ҳамда коммуналарга берилади.

Самарқанд вилоятида 1919 йил давомида 300 десятина ердаги хусусий узумзорлар, боғлар давлат ихтиёрига тортиб олинди. Шу йилнинг охирига бориб, ҳукумат 8 десятина ердан ортиқ жойни эгаллаган барча хусусий боғларни давлат мулки деб эълон қилинади.

¹³ЎзР МДА, Р-29 жамғарма, 3-рўйхат, 1168-иш. 14-в.

¹⁴Ўша жойда, 43-в.

¹⁵Экономическая жизнь. 1921, 14 март.

¹⁶Ўша жойда.

Боғлар ва узумзорларнинг мулкдорлардан тортиб олинishi тез фурсатда салбий оқибатларга олиб келди. Ўша йилиёқ боғлар каровсиз қолиб, ҳосил кескин камайди ҳамда тўлиқ терилмай қолди¹⁷. Совет ҳокимияти йил давомида хусусий мулкдорлар парваришлаб етиштирган катта даромад манбаи бўлмиш меваларни йиғиб олиш учун, ҳатто, ишчи кучига ҳам эга эмас эди. Бу ишга аёллар ва болалар меҳнатини жалб этишга киришган тегишли идоралар ёлланма ишчи кучи олсада, ҳосил ўз вақтида йиғиб олмай, нобуд бўлишига олиб келди. Натижада бозорларда мевалар камайиб, нархи ошиб кетди. Уларни Россия шаҳарларига жўнатиш ҳам кескин камайди.

Авлод-аждодлардан мерос бўлиб келган боғларнинг тажрибали эгаларидан тортиб олинishi боғдорчиликка кескин зарба берди. Совет ҳокимияти мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида боғ хўжаликлари ташқил этиб, уларга мутахассисларни жалб этишга киришди. Аммо мазкур боғ хўжаликларида ишчи кучи, иш куруллари, мутахассислар етишмас эди¹⁸. Шу сабабли бошқа корхона ва хўжаликлар каби уларнинг ҳам аҳволи қисқа фурсатда оғирлашиб, ҳосилдорлик кескин камайиб кетди.

Совет ҳокимияти молия тизимида ҳам ўз монополиясини қарор топтиришга киришди. Энг аввало, банк тизимида давлат монополиясини қарор топтиришга киришилди. Хусусий банклар ишчилар назорати остига олинди. 1918 йил январда Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Навоий, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги Давлат банки бўлимларига молиявий операцияларни кузатиб туриш учун комиссарлар жўнатилади.

1917 йил охири - 1918 йил бошида хусусий банкларнинг пуллари зўрлик билан тортиб олина бошлади. Масалан, Ташқи савдо Россия банкидан 8 миллион рублдан ортиқ пул тортиб олиниб, Тошкентдаги Давлат банкига топширилади. Бу пуллар фақатгина халқ комиссарлари кенгаши рухсати билан ишлатилиши мумкин эди.

Банкларни национализация қилишда ишчи назорати муҳим роль ўйнаган. 1918 йилнинг апрелига келиб, бундай назорат деярли ҳамма банкларда ўрнатилиб бўлган. Банк бошқарувчилари кредит операцияларини мустақил олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилган, банк сейфлари эса муҳрланган.

1918 йил май ойида Рус-Осиё, Азов-Дон ва Волга-Камск

¹⁷ЎзР МДА. Р-29 жамғарма, 3-рўйхат, 1168-иш. 15-117 в. орқ.

¹⁸Ўша ерда, 187-193-в.

банкларининг Тошкент бўлимлари давлат ихтиёрига ўтказилди¹⁹. 1918 йил июлдан бошлаб эса барча хусусий банклар оммавий тарзда давлат ихтиёрига олиниб, Халқ банки таркибига киритилди. Банкларнинг давлат ихтиёрига олиниши, ягона банк тизимига айлантирилиши банк капиталига, савдо ва тadbиркорликка катта зарба берди. Халқ хўжалигини молиялаштириш, кредит тизими давлат қўлида тўпланди.

Кредит тизими ва йирик ишлаб чиқаришнинг давлатга ўтиши мамлакат иқтисодига қаттиқ зарба берди. 1918 йил ўрталаридан совет ҳокимияти ўрта ва майда хусусий корхоналарни национализация қилишга киришди. Шу мақсадда ўлкадаги майда корхоналар рўйхатга олинди. Рўйхатга олинган корхона эгалари ўз мулкларига эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ҳукумат буюртмаси асосида ишлашга ўтказила бошлади. Рўйхатга ўтишдан бош тортган корхона эгалари ишлаб чиқаришдан четлаштирилган. 1918 йил июлда Туркистон АССР ХКС томонидан ўтказилган кўнчилик корхоналари съездида жун ва кўнчилик соҳасига давлат монополияси ўрнатилганлиги эълон қилинди²⁰. Кўнчилик соҳаси совет ҳокимиятига армия таъминоти учун зарур эди.

1919 йилдан бошлаб совет ҳокимияти ишлаб чиқаришнинг қолган соҳаларини ҳам национализация қилишга киришди. Хусусан, жун саноати, хусусий суғориш иншоотлари транспорт жамиятлари, металлни қайта ишлаш корхоналари, уруғчилик муассасалари, виночилик корхоналари национализация қилинди.

Хусусий тadbиркорликни назоратга олиб, имкон қадар чеклашга интилиш бу даврда совет ҳокимиятининг диққат марказида турган муҳим вазифалардан бири эди. Асосий мақсад - хусусий тadbиркорликни, энг аввало, давлат манфаатларига бўйсундириш эди. Шу мақсадда, дастлаб, ўлкадаги барча хусусий корхоналар уларнинг маҳсулот захиралари билан рўйхатга олинади. Натижада ўлкадаги барча хомашё захиралари, хусусан, жун, тери, тамаки, вино маҳсулотлари рўйхатга олинади. Рўйхатга олинган корхона эгаларига ўз маҳсулотларини эркин тасарруф этиш тақиқланиб, фақатгина давлат манфаатлари, хусусан, қизил армия эҳтиёжлари учун сарфлаш талаб этилади. 1918 йил июль ойида кўнчилик заводлари съезди ўтказилиб, унда бу соҳада тўлиқ давлат монополияси ўрнатилганлиги расман эълон қилинади²¹. Давлат тери хомашёси ва ундан тайёрланган маҳсулотлар балин эркин савдо қилишни тақиқлайди ҳамда уларга қатъий нарх белгилаб, давлатга айнан шу нархда топширишни

¹⁹У л ь м а с о в А. Кўрсатилган асар. 83-бет.

²⁰ЎзР МДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 190-йиғмажилд, 7-в.

²¹ЎзР МДА, Р-25 жамғарма, 1 -рўйхат, 190-йиғмажилд, 7-в.

I-son

белгилаб қўяди. Бундай тадбирлар натижасида давлат ўз қўлида тери хом ашёси ва маҳсулотларини тўплашга, уларнинг ишлаб чиқарилиши ва реализациясини назоратга олишга муваффақ бўлади. Бундай сиёсат жун, виночилик ва тамаки ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам қўлланилиб, бу соҳаларда ҳам давлат монополияси ўрнатилади.

Аммо давлат бу соҳалар билан чекланмади. Мамлакатга ташқаридан тўқимачилик маҳсулотлари кириб келиши кескин камайганлиги муносабати билан яна ривожлана бошлаган кичик анъанавий тўқимачилик ишлаб чиқариши ҳам назорат остига олинди. Дастлабки йилларда тўқимачилик корхоналарининг эгалари ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлса-да, давлат буюртмаси асосида ишлаб, ўз маҳсулотларини бозорга сотмаслиги, фақатгина давлатга топшириш мажбурий қилиб қўйилди.

Лекин 1919 йил 25 декабрда тўқимачилик саноатини ҳарбий соҳа, яъни армия эҳтиёжларига хизмат қилдиришга эришиш мақсадида барча корхоналар ўз ишлаб чиқариш воситалари, тайёр маҳсулотлари ҳамда хомашёси билан давлат тасарруфига ўтиши ҳақида декрет эълон қилинди²².

Жун саноатида ҳам шу тариқа давлат монополияси ўрнатилди ҳамда жун билан хусусий савдо қилиш қатъий тақиқланди, жун хомашёси ҳамда маҳсулотларига давлат томонидан қатъий нарх белгиланб қўйилди. Шу тариқа жун, тўқимачилик ва кўнчилик ишлаб чиқариши буткул ҳарбий эҳтиёжларга бўйсундирилиб, бу соҳаларда хусусий тадбиркорлик тақиқлаб қўйилди ва давлатнинг тўлиқ ҳукмронлиги таъминланди.

1917 - 1920 йилларда совет ҳокимияти олиб борган хусусий мулкчиликни тугатиш ва давлат монополиясини ўрнатиш, иқтисодни марказлаштириб, барча ресурсларни давлат қўлида тўплаш, партия диктатурасини ўрнатиш, хусусий савдони тақиқлаш, саноатда хусусий мулкни тугатиш сиёсати оғир оқибатларга олиб келди. Бундай сиёсат жараёнида товар-пул муносабатлари қатъий чекланиб, давлат бош таъминотчи ва тақсимотчига айланиши ўлкада халқни давлатга қарам бўлиб қолишига, унинг турмуш даражаси кескин пасайишига олиб келди. Озиқ-овқат солиғи, нонга давлат монополияси, ер-сувнинг давлат томонидан тортиб олиниши, тадбиркорлар фаолиятининг тақиқланиши, хусусий савдонинг чекланиши инқирозли оқибатларни келтириб чиқарди. Қисқа фурсатда саноат инқирозга учради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кескин пасайиб кетди. Зарур товарлар тақчиллиги бошланди. Совет ҳокимияти товар алмашлаш, қишлоқ

²²ЎЗР МДА, Р-17 жамғарма, 1-рўйхат, 33-йиғмажилд. 152-в.

ва шаҳар ишлаб чиқарувчилари билан истеъмолчиларини ўзаро боғлаш, бозорларни, саноат корхоналарини юритиш имконига эга эмас эди. Бундай шароитда мамлакатда иқтисодий инқироз бошланди.

Мамлакатда хўжалик ва иқтисоднинг инқирозга учраши, очарчилик ва қимматчиликнинг бошланиши совет ҳокимиятини ҳалокатга олиб келишини аниқ кўрсата бошлади. Бундай шароитда совет ҳокимияти зудлик билан иқтисодий инқироздан чиқиш учун ўз иқтисодий сиёсатидан воз кечишга, иқтисодни бир оз бўлсада, эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қўллашга мажбур бўлди.

1921 йилдан бошлаб мамлакатда амал қила бошлаган НЭП - янги иқтисодий сиёсат айнан шу мақсадда ишлаб чиқилган вақтинчалик иқтисодий чоралар эди. Бу чоралар мамлакатга товар-пул муносабатларини тиклаш, хусусий тадбиркорлар ва капиталнинг фаолиятига имкон бериш ва улар ёрдамида иқтисодий инқироздан чиқиб олишга қаратилган эди.

Фарғона водийсида эрта баҳорда деҳқончилик ишлари бошланишидан олдин "худойи"лар ўтказиш, яъни жонлиқ сўйилиб ис чиқариш одати кенг тарқалган эди. Ушбу худойилар масжид ёки мозорлар яқинида ўтказилиб, унга кекса деҳқонлар, оқсоқоллар бошчилик қилишган. Олдинлари бундай маросимлар учун қишлоқ хонадонларидан буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари йиғилган бўлса, кейинчалик маълум миқдорда маблағ ҳам йиғилиб, ушбу пулга бирор жонлиқ сотиб олинган ва қурбонлиқ учун сўйилган. Таомлар танаввул

¹²Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент, 2007. 14-46-бетлар.

¹³Андреев М. С. По поводу процесса образования примитивных среднеазиатских древних пеховых сказаний (рисола) // Этнография. 1927. № 1-2. 84-бет, Сухарева О. А. Ислам в Узбекистане. Ташкент, 1960. С.140; Его же. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1975. С.80-94; Басилов В. Н. Культ святых в исламе. М.: Мысль, 1970. С.10-25; Его же. Хозяйства западных туркмен ёмудов в дореволюционный период и связанные с ним обряды и верования // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1973. 201-бет, Рассудова Р. Я. Значение культовых мест для освещения истории земледелия в Ферганской долине // Краткие содержания докладов годичной научной сессии Института этнографии АН СССР, 1970. Л., 1971. 23-30 бетлар, Пешерева Е. М. Ягнобские этнографические материалы. Душанбе, 1976. 84-бет.

¹⁴Аширов А. А., Саримсоқов А. Фарғона водийси ўзбекларининг деҳқончилик билан боғлиқ маросимлари ва урф-одатлари // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдиэлари... 98-100-бетлар.

¹⁵Бизнингча, ушбу маросимларнинг водий аҳолиси томонидан деҳқончилик юмушлари бошланишдан аввал ўтказилиши, унинг дастлабки кўринишидан бироз фарқ қилади. Манбаларда келтирилишича, юқоридаги ҳар икки маросим нафақат водий, балки Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам баҳорги экин-тикин ишлари угаллангандан сўнг ёки қурғоқчилик бўлсагина амалга оширилган. К.Шониезовнинг ёзишича, худойилар қурғоқчилик йиллари ўтказилиб, унга кўра қишлоқ аҳолиси бузоқ ёки бирор қўйни сўйишиб, ундан тайёрланган таом билан қишлоқнинг камбағал-қашшоқ оилаларини ҳамда турли йўловчи ва мусофирларни меҳмон қилишиб, эвазига Аллоҳдан ёмғир сўраб илтижо қилишларини сўрашган. Деҳқонлар агарда бундай одамлар Аллоҳга илтижо қилса, Аллоҳ уларнинг дуосини тезроқ ижобат қилади, деб ишонишган. Дарвишона маросими ҳам дастлаб бироз бошқачароқ бўлиб, ушбу маросим ҳам, асосан, қурғоқчилик йиллари амалга оширилган. Унга кўра, икки-уч кишидан иборат қишлоқнинг ҳурматли кишилари хонадонлардан турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул йиғишиб, ушбу йиғилган маҳсулот ёки маблағни ўша қишлоқнинг ночор, камбағал оилаларига беришиб, улардан Аллоҳга илтижо қилишларини сўрашган. К.Шониезовнинг таъкидлашича, дарвишона сўзи "дунё" кезувчи дарвишларга хайр-садақа бериш маъносини берар экан. Водийнинг айрим туманларида юқоридаги маросимларнинг айрими ўзига тўқ хонадон бошлиқлари ёки маълум бир кишилар томонидан шахсий маблағ ҳисобидан ҳам ўтказилган. Ушбу маросимлар ҳақида батафсил қаранг: Шониезов К. Ш. Узбеки-Карлуки. Ташкент, 1964. С.51; Джаханов У. Кўрсатилган асар. 111-112-бетлар.

1-son

қилинғач, маҳалла муллеси Куръон оятларидан тиловат қилган ва оқсоқоллар ушбу худойи савобини "ўтганларнинг" руҳи покларига бахшида этишиб, келатган йил хосиятли, деҳқончилик учун серҳосил ва баракали бўлишини Аллоҳдан сўраганлар¹⁴. Ушбу маросимдан ташқари водийда яна дарвешоналар ҳам ўтказилган. Ушбу маросим ҳам юқоридаги "худойига" ўхшаш тарзда амалга оширилган¹⁵.

Таниқли элшунос Э.Б.Тайлор хайри худойи маросимларини худди илтижо ва дуолар каби инсониятнинг илк, энг қуйи босқич тараққиётига хос деб ҳисоблайди¹⁶. Умуман, қурбонликлар қилиш диннинг энг илк шаклларида то замонавий, жаҳон динларигача хос одатлардан биридир¹⁷. Масалан, қадимги Шумерда хўкиз, ситир, қўй каби ҳайвонлар билан бирга баъзан қушлар ҳам сўйилган, егулик неъматларидан ҳам тангриларга эҳсон этилган¹⁸. Этнолог олим А.Ашировнинг таъкидлашча, деҳқонлар томонидан ҳосилни йиғиб олишдан аввал хайри худойи қилиш уни беэён йиғиштириб олиш мақсадида ёвуз руҳлар, инсу жинслар хуружининг олдини олишга қаратилган¹⁹.

Фарғона водийсида эрта баҳорда деҳқончиликни яхши биладиган кексалар далага чиқиб, тупроқни шудгорлаш учун етилган ёки етилмаганини аниқлашган. Агар ер хайдаш учун тайёр бўлса, деҳқончиликнинг яна бир удуми ҳисобланган "шоҳмойлар" маросими ўтказилган. Ушбу маросим удумига кўра қозон осилиб, унга ёғ қуйиб қиздирилган ва унда бўғирсоқ, чалпак пиширилиб, сўнгра худди шу қозондаги ёғ билан оиладаги кексароқ киши хўкизнинг шоҳини, елкасини, туёқларини ва, ҳатто, ирим қилиб омоннинг тишини ҳам мойлаган. Ушбу маросим водийнинг Сўх тумани тожикларида "говхунуккунон" ёки "юғмунон" деб аталган²⁰. Ушбу маросим Ўрта Осиёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган²¹.

Фарғона водийсида ҳам, деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос маҳаллий агромаданият анъаналарида баҳорги экиш мавсумида далага биринчи қўш чиқариш маросими муҳим амалий аҳамият касб этган. Чунки етиштирилган ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши

¹⁴Тайлор Э. Б. Первобытная культура. М., 1990. 465-бет.

¹⁵Дунёдаги кўпжа халқлардаги қурбонлик маросими борасида батафсилроқ қаранг: Токмарев С. П. О жертвоприношениях // Природа. 1983. № 10. 32-бет.

¹⁶Эшонқолов Ж. Фольклор, образ ва талқин... Қарши: Нафас, 33-бет.

¹⁷Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари... 22-34-бетлар.

¹⁸Джаханов У. Земледелие таджиков долины Соха в конце XIX-нач. XX в. Душанбе, 1989. 110-111-бетлар.

¹⁹Андреев М. С. Таджики долины Хуф. Л., 1958. Т. II. С. 62; Кисляков Н. А. Старинные приемы земледельческой техники и обряды, связанные с земледелием у таджиков бассейна р.Хингоу // СЭ. 1947. №1. С.114-15; Шаниязов К. Узбеки-карлуки. Ташкент, 1964. 51-бет.

экиш мавсумининг ўз вақтида сифатли ўтказилишига боғлиқ бўлган²². Айнан шу боис ҳам жаҳон халқлари этнографиясида далага илк бор қўш солиш, ерга уруғ сепишга алоқадор маросим ва удумлар кенг қўламда ўтказилган ҳамда бу жараён махсус этнографик адабиётларда тадқиқ этилган²³.

Фарғона водийси қишлоқларида авваллари далага дастлабки қўш чиқарилаётганда деҳқонлар янги либосларини кийиб, ушбу кунни тўкин-сочинлик ва шоду хуррамликда ўтказишга ҳаракат қилганлар. Удумга кўра, биринчи қўшни қишлоқнинг ёши улуг, обрўли кишиларидан бири бошлаб берган. Таниқли фольклоршунос олим Б.Саримсоқов таъкидлаганидек, ушбу куннинг бундай тантана билан ўтказилиши биринчи кун магиясига алоқадор бўлган²⁴. Биринчи кун магиясига кўра, бирор-бир фаолият ёки йилнинг бошланиши қандай бўлса, ўша фаолият йил ниҳоясига қадар ана шундай руҳда давом этади, деган тасаввур ҳукмронлик қилади²⁵. Қолаверса, кекса ёшли, пиру бадавлат, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли кишининг биринчи қўшни ҳайдаб бериш одати унинг хўжалик юритишдаги бой тажрибаси билангина боғлиқ бўлмаган. Бу ўринда узоқ умр кўрган, серфарзанд, бадавлат кишининг ўзига хос рамзий фазилатлари заминга, етиштириладиган ҳосилга ўтишига қаратилган ўзига хос магик қонуният айнан кекса кишининг дастлабки қўшни бошлаб беришига сабаб бўлган. Деҳқонларнинг биринчи марта ер ҳайдаш учун қўш ва ҳўкизларни ҳам махсус тайёрлаш одати маълум маънода қадимги аграр культлар билан боғлиқ²⁶. Ўрта Осиёда қадимда ҳўкиз серпуштлик рамзи ҳисобланган ва шу боис ерни омоч билан ҳайдаш орқали унинг ғайритабиий хусусияти ерга ва етиштириладиган ҳосилга ўтиши мумкин²⁷, - деган архаик қараш асос бўлган бўлса керак.

Баҳорги деҳқончилик билан боғлиқ маросимлар ўтказилиб

²²Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида "шоҳ мойлар" ёки "биринчи қўш" удуми // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар. Тошкент, 2006. 84-бет.

²³Чурсин Г. Праздник выхода плуга у горских народов Дагестана // Известия Кавказского историко-археологического института. Тифлис, 1927. Т.5. 124-156-бетлар. Чибре в Л. А. Народный земледельческий календарь осетин. Цхинвали, 1976. С.12-34;

Календарь и календарные обряды народов Дагестана. Махачкала, 1987. 8-17-бетлар. Хаджиева Т. Х. Эстетическая и утилитарно-магическая функции календарных песен балкарцев и карачасцев (весенне - летний цикл) // Календарно-обрядовая поэзия Северного Кавказа. Махачкала, 1988. 60-78-бетлар. Жўраев М. Ўзбек халқ аграр маросимлари тизимида "шоҳ мойлар" ёки "биринчи қўш" удуми... 83-90-бетлар.

²⁴Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклари. Тошкент, 1986. 52-бет.

²⁵Биринчи кун магияси ва биринчи савдога бўлган магик инонч борасида батафсилроқ қаранг: Покровская Р. Я. Земледельческая обрядность...71-бет.

²⁶Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари...14-36-бетлар.

²⁷Штернберг Л. Я. Первобытная религия в свете этнографии...431- бет.

1-son

бўлингач, деҳқонлар ишга киришганлар. Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қатори водий ўзбеклари ҳам анъанавий деҳқончилик анъаналарини Шарқ халқлари тақвими асосида олиб борган. Такидлаш жоизки, деҳқонларнинг асрлар давомида табиатни изчил кузатиш натижасида орттирган тажрибалари асосида (деҳқончилик тақвими) пайдо бўлган²⁸. Баҳорги дала ишлари, маҳаллий тақвимга кўра, янги йил - қуёшнинг балиқ (хут) буржидан қўй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтган вақтдан бошланган. Ҳозирги амалдаги ой календари бўйича бу 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади²⁹. Бошқачасига, дастлабки деҳқончилик юмушлари Наврўз тантаналари билан бир пайтда бошланган.

Ерларга ишлов беришда водий деҳқонлари бир-бирига ёрдам қўлини чўзишиб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишган. Чунки аксарият ҳолларда деҳқонларнинг кўпчилигида ишчи ҳайвонлар ёки ишчи кучи етарли бўлмасди. Бундай шериклик қилиш усули "алғов", "ҳамгав", "ҳамқуш" деб ҳам юритилиб, Ўрта Осиё ва дунёнинг бошқа деҳқончилик ҳудудларида ҳам бу усул кенг қўлланилган³⁰. Ушбу усул нафақат ерларга ишлов беришда, балки ҳосилни парваришlashда, уни йиғиштириб олиш ҳамда янчишда ҳам кенг қўлланилган. Шу ўринда қайд этиш лозимки, ерга ишлов бериш вақтида, деҳқонлар ўзаро келишиб, бир-бирининг омов ёки ҳўкизларидан ҳам фойдаланишган. Ижара ҳақи эса ҳосил пишиб етилгандан сўнг қайтарилиб, бу водийнинг айрим туманларида "қўш ҳақи" деб юритилган. Экин майдонлари шудгорланиб бўлингач, уруғ сепиш бошланган, ушбу юмушни ҳам ёши улуғ отахонлар бошлаб беришган. Деҳқончилик

²⁸Ўрта Осиёда деҳқончилик тақвими билан бир пайтда турли тақвим турлари ҳам мавжуд бўлган. Уларга: 1) Ернинг қуёш атрофида айланишига асосланган шамсий тақвим; 2) Ой фазаларининг доимий ўзгаришига асосланган қамарий тақвими; 3) Қуш қайи ёки долга ҳисоби (мавсумий қушларнинг қўқламга учиб келиш ва қишлаш учун кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетиш муддатларига асосланган маҳаллий вақт ҳисоби - Фенологик календар); 4) Тўғал ёки тўқуш ҳисоби; 5) Тошув ҳисоби (яъни дарё тошқинлари асосида). 6) Мучал ҳисоби; 7) Чорва ҳисобларини олишимиз мумкин. Ушбу тақвим турларидан ташқари XIX аср охири - XX аср бошларида водийнинг айрим туманларида Эрон қуёш календари ҳам мавжуд бўлган. Ушбу тақвимлар ҳақида батафсил қаранг: Ж ў р а с в М. Ўзбек халқ тақвими ва мифологик афсоналар. Бухоро, 1994. 5-6-бетлар; Н а р з и қ у л о в А. Деҳқон тақвими. Тошкент, 1991. 8-бет; Д ж а х о н о в У. Кўрсатилган асар. 80-88-бетлар; Л и в щ и ц В. А. Зороастрийский календарь // Бикерман. Э. Хронология древнего мира. Ближний восток и античность М.: Наука, 1975. 6-15 бетлар. С а р и м с о қ о в Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, 1986. 40-42-бетлар.

²⁹Н а р з и қ у л о в А. Деҳқон тақвими. Тошкент: Меҳнат, 1991. 7-11-бетлар.

³⁰Ушбу усул дунёнинг бошқа халқлари, хусусан Кавказ ўлкасининг туркий қорачой (қарачай) халқида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу усулни улар "Сабан негерлик" ёки "Мамматлык" деб юритишган. Ушбу усулни дунёнинг турли ҳудуд ва халқларида мавжудлиги ҳақида батафсил қаранг: Ш а н и я з о в К. Узбеки-Карлуки. Ташкент, 1964. 50-51 бетлар, Его же. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974. 174-175-бетлар, Ш а м а н о в И. М. Народный календарь карачаевцев // СЭ. 1971. № 5. 114-бет.

рисоласида келтирилишича, ерга уруф қадаётган деҳқоннинг қалби ва жисми пок бўлишлиги, Аллюҳнинг номини дилига жо қилган ҳолда унинг барча фарзларини бажариши, чинюракдан, холис ниятлар билан, ҳатто, ишчи ҳайвонларга ҳам озор етказмасдан уларни сўкмасдан керакли дуоларни ўқиган ҳолда ҳосил уруғини фақат ўнг кўлида сепиши лозим бўлган³¹.

Бизнингча, ушбу кўрсатма, гарчи исломий манбаларда келтирилган бўлса-да, унинг илдизлари қадимга бориб тақалади. Хусусан, "Авесто"да таъкидланишича кимда ким ерга ўнгу сўл, сўлу ўнг қўллари билан ишлов берса, мўл-кўл буғдой сепса, унга туганмас бойлик ва бахт ато қилинар экан³². Юқоридаги кўрсатмага мувофиқ кекса нуроний отахонлар уруф сепишдан олдин дуо ўқиб шундай дейди: "Бисмиллаҳир роҳманийр роҳийм, бу мени қўлим эмас, Бободехқону, Хизрбуваларнинг қўли, катта-катта деҳқончилик пирларининг қўли"³³. Уруф сепаетган отахон биринчи сиқимлаб олган уруғини "Қушлару, қурт қумурсқалар ҳақи" деб уч бора сепгач, сўнг "Илоҳим сепган бир дона уруғимиз минг донага айлансин", деб дуо қилган³⁴. Деҳқончиликдаги кўш ҳайдаш ва уруф сепишнинг нуроний киши томонидан бошлаб берилиши Тожикистоннинг турли деҳқончилик ҳудудларида ҳам учраб, у "чуфт баророн" ёки "човюғи" маросими деб юритилган³⁵. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, манбаларда келтирилишича, айрим жанубий ва жануби-шарқий Осиё мамлакатларида бундай деҳқончилик маросимлари ҳукмдорлар томонидан бошқарилган³⁶.

Кекса деҳқонлар томонидан уруф сепиш рамзий маънода бошлаб берилгач, барча деҳқонлар уруф сепишга киришганлар. Ерга уруф қадаётган деҳқонлар ер эгаси томонидан озиқ-овқат ва егуликлар билан таъминланган, бироқ айрим ҳолларда ушбу деҳқонларга қишлоқдаги фарзандсиз оилалар, оиласида бемор одам яшайдиган оилалар турли таомлар пишириб келиб беришган ва ҳақларига дуо

³¹Ушбу маросимлар ҳақида деҳқончилик рисоласида ҳамда А.Ф.Мидендорф ва В.П.Наливкинлар ҳам маълумотлар қолдирганлар бу ҳақда қаранг: М и д д е н д о р ф А. Ф. Очерки Ферганской долины. Спб., 1882. 384-395-бетлар; Н а л и в к и н В. П. // ТВ. 1880. № 15.

³²И с ҳ о қ о в М. "Авесто"да чорва ва чорвадор // Академик Яхъё Фуломов номидаги республика илмий семинарининг Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари ва замонавий жараёнлар мавзусидаги 37-ййғилиш материаллари. Тошкент, 2007. 45-50-бетлар.

³³Демак, ушбу жумлалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, водий деҳқонлари Бободехқон култи билан бирга бошқа деҳқончилик пирларига ҳам эътиқод қилганлар.

³⁴Дала ёзувлари. Фарғона тумани, Ҳонқиз қишлоғи. 2001 й.

³⁵Е р ш о в Н. Н. Сельское хозяйство таджиков Ленинабадского района. Тадж. ССР. Перед октябрьской революцией. Сталинабад: Изд. АН Тадж ССР. 1960. 127-128-бетлар, Р а х и м о в М. Октябрьской революцией. Сталинабад: Изд. АН Тадж ССР. 1966. 183-185-бетлар.

³⁶Масалан, кунчиқар мамлакат Японияда ерга кўш солиш шудгорлаш император томонидан рамзий маънода бошлаб берилган. Бу ҳақда қаранг: J.Linuma, The Ne-No-Hi-Kara-Suki of shosoin // Tools and Tiliage. 1969. Vol.1. № 2. P.105-107.

I-son

қилишларини сўрашган. Бундай қилинишига сабаб водийда ерга уруғ қадаётган деҳқонлар энг савоб иш қилаётган кишилар ҳисобланган ва уларнинг дуоси ижобат бўлади, яъни ушбу деҳқонлар томонидан қилинган алқов ва дуолар туфайли ўша оиладаги мушкулотлар бартараф бўлади, беморларга Аллоҳ шифо бериб, фарзандсиз оилаларда фарзанд дунёга келади, деб ишонишган³⁷.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи анъанавий деҳқончилик машғулоти билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатларда ўлиб, қайта тирилувчи табиат култи излари, гарчи, қолдиқий кўриниш тарзида бўлса-да, етиб келганини ва аксарият ҳолларда исломий қарашлар билан ўзаро синкретик тарзда амалга оширилишини ҳозирда ҳам кузатиш мумкин. Ислом динининг айнан ушбу хўжалик тури билан боғлиқ архаик культларга нисбатан бағрикенглиги қадимий диний-мифологик тасаввурлар асосидаги деҳқончилик расм-русумлари ва урф-одатларидан кўзланган асосий мақсад соф диний таълимот билан эмас, балки ҳаёт давомийлигини таъминлашга қаратилган меъёрлар, яъни мўл- кўл ҳосил етиштириш ва уни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга қаратилганлиги эътиборга моликдир.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, Фарғона водийсида экин экиш ва уни парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор урф-одатлар ва расм-русумлар мавжуд бўлган. Ушбу расм-русумлар ҳам асрлар давомида шаклланган ва улар водий деҳқонларининг асрлар оша шаклланган тафаккури ва дунёқарашининг маҳсулидир.

3. Исоков

Обычаи и обряды узбеков Ферганской долины связанные с земледелием (конец XIX - начало XX века)

В статье описываются обычаи и обряды узбеков Ферганской долины. На основе привлечения обширной литературы и результатов полевых исследований, с использованием метода сравнительного анализа, предпринята попытка попытка раскрыть специфику и различные свойства обычаев и обрядов. Прослеживаются изменения в данных обрядах с древнейшего периода до наших дней.

³⁷Дала ёзувлари. Марҳамат тумани, Шукурмерган қишлоғи. 2001 й.

Z. Isokov

**The customs and rites of Uzbeks of Fergana valley
belong with the agriculture (the end of 19th - beginning of 20th centu-
ries)**

In the article are described the customs and rites of Uzbeks in Fergana valley connected with agriculture. The author of the article tried to present the peculiarity and differ features of these traditions from other regions on the base of comparative analysis of the dates in the published works and field experiences carried out by the author. Also it is showed the shape and changes of customs and tires of agriculture from ancient times till present.

Тарих ҳужжатлар тили билан

С. Мадьярова

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Ўзбек халқи тарихида ўчмас из қолдирган муҳим воқеалардан бири -1917 йилда Туркистонда дастлабки миллий демократик давлат - Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши бўлди. Мавзунинг совет даври тарихшунослигини ўрганиш натижаси Туркистон Мухторияти мавзуси узоқ йиллар давомида "буржуазия ҳукумати" сифатида баҳоланган, унинг вужудга келиши, фаолияти, бостирилиши ва бу ҳаракатга алоқадорлиги бор кишилар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида бир томонлама тадқиқотлар вужудга келганлигини кўрсатди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий фан соҳа вакиллари мазкур мавзуга доир янги илмий-назарий ёндошув ва хулосалар бердилар, кўплаб илгари маълум бўлмаган манбаларни илмий истеъмолга киритдилар.

Мавзуга доир мавжуд манба ва адабиётларнинг тарихшунослик таҳлили жараёнида Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбарлари томонидан ўтказилган мажлислар билан боғлиқ бир қатор саволлар пайдо бўлди. Табиийки, ҳукумат раҳбарлари ўз фаолиятлари давомида бир неча бор мажлис ўтказганлар, албатта. Мазкур йиғилишлар баённомалари сақланиб қолганми ёки улар Кўқон воқеалари вақтида йўқолганми? Туркистон Мухторияти бостирилгандан кейин жон сақлаб қолган ҳукумат раҳбарларининг қўлида қолганми, деган ўринли саволлар туғилади.

Баъзи адабиётларда ва даврий матбуот материалларида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг съездлари, уларда қабул қилинган қарорлар, съездолди йиғилишлари ҳақида маълумотлар бор. Бироқ, мавжуд илмий тадқиқотларда, мемуар ҳамда даврий матбуот материалларини ўрганиб чиқиш давомида мухторият ҳукумати йиғилиши баённомаларининг сақланиб қолган ёки қолмагани ҳақида ҳеч бир маълумот учрамайди.

Маълум бўлишича, Туркистон Мухторияти ҳукумати раҳбари

лавозимида фаолият олиб борган Мустафо Чўқаевнинг шахсий архивида ҳам ҳукумат аъзолари олиб борган мажлислар баённомалари журнали мавжуд эмас. Бизнингча, агар бу манбалар сақланиб қолган бўлса, Туркистон Мухторияти тарихи саҳифаларини янада бойитиш, ҳукумат аъзолари фаолияти билан боғлиқ баъзи бир масалаларга ойдинлик киритиш имконияти кенгайди.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг И-17-фондида Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолиятига доир, илгари илмий истеъмолга киритилмаган 18 саҳифадан иборат ҳужжатлар йиғиндиси мавжудлиги аниқланди.

Сирдарё вилояти бошқармаси (Сирдарё вилояти Давлат мулклари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчисининг 1918 йилнинг 2-18 январи оралиғидаги фаолияти)га тегишли "Туркистон Мухторияти съезди ҳақида" деб номланган йиғма жилддаги материаллар¹ шу кунгача ўқувчилар эътиборига тушмаган янги маълумот эканлиги билан аҳамиятлидир.

Унда Сирдарё вилояти Давлат мулклари бошқармаси бошлиғининг Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати даврида ўлкадаги Самарқанд вилояти Давлат мулклари бошқармаси бошлиғи (А.Е. Вальнев), Фарғона вилояти Давлат мулклари бошқармаси бошлиғи (Н.Н. Жемчужников) билан олиб борган ёзма мулоқоти; Туркистон Мухторияти Ер-сув ишлари вазири Юргали Агаевнинг Самарқанд вилояти Давлат мулклари бошқармаси бошлиғи А.Е. Вальневга юборган хати; 1917 йилнинг 28-29 декабрида Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Ер бошқармаси хизматчилари вакилларининг съезди баённомаси; Илова тарзида Туркистон Ер ишлари вазирлиги хизматчилари пул таъминотининг асосий меъёрлари кўрсатилган жадвал ва энг муҳими, мазкур ҳужжатлар орасида Туркистон Мухторияти ҳукуматининг мажлиси баённомаларидан бири ўрин олган.

Мазкур ҳужжатлар мазмунининг барчаси, шу жумладан, бир саҳифадан иборат бўлган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг 1918 йилнинг 6 январидан ўтказилган мажлиси баённомаси нусхаси ҳам, 1917 йилнинг 28-29 декабрида Қўқон шаҳрида чақирилган, Туркистон вилоятларидан қирқдан ортиқ вакиллари қатнашган ўлка Ер бошқармаси хизматчилари съезди ва унда қабул қилинган қарорлар билан боғлиқ. Бу съездда қуйидаги

¹ЎЗР МДА. 17-фонд, 1-руйхат, 34425-иш. 1918 (5.01. 1918-28.01.1918).

1-son

масалалар муҳокама этилган:

1. Съезд аъзоларининг ваколатлари.
2. а) Ер ишлари бошқаруви ташкилотларининг Туркистон Мухторияти ва унинг ҳукуматига муносабати.
- б) Мухторият муносабати билан ўлканинг ер ишлари бошқармасини қайта ташкил этиш.
- в) Янги шароитга кўра хизматчилар таркибининг янги нормаларини ишлаб чиқиш.
3. 1918 йил таъминотига (ойлик иш ҳақларига) қўшимчалар киритиш.
4. Съездга табрик.
5. Съезд қарорларини ижро этиш².

Бундан ташқари, йиғилишда Туркистон ўлкаси Ер бошқармаси хизматчиларининг делегатлик съездини зудлик билан чақириш тилаги ҳам билдирилган. Мазкур делегатлик съездда ҳар бир вилоят ва ҳар бир ўлка техник бошқармаларидан биттадан вакил киритилиши, бу билан борлиқ асосий меъёрларни кўриб чиқиш, Туркистон Муваққат ҳукумати тақдим қилиш ва тасдиқлатиш кўзда тутилган. Шунингдек, Туркистон Мухториятини тан олган ва қўллаб-қувватлаган ўлканинг Ер ишлари Вазирлиги бошқармасининг барча ташкилотлари мухториятнинг ҳимояси ва қарамоғида эканлиги ҳақида махсус декрет нашр қилиш масаласини янги ҳукуматдан сўраш ҳам лозим топилган.

Уч банддан иборат бўлган иккинчи масала юзасидан эса съезд алоҳида резолюция қабул қилган. Мазкур резолюциянинг биринчи бандида Туркистон Ер ишлари Вазирлиги хизматчилари томонидан Туркистон Мухторияти ва унинг ҳукумати бир овоздан қўллаб-қувватлангани билдирилган. Шунингдек, съезд Таъсис мажлиси чақирилгунига қадар Туркистон Мухторияти ҳукумати ўз фаолиятини қуйидаги учта тамойилга асосланиб олиб боришига истак билдирган:

"1. Давлат мулклари, илмий, маданий-маърифий муассасаларни сақлаб қолиш.

2. Бошқарув масаласида - Туркистон Ер ишлари ва Давлат мулклари бошқармаси ўз ишини жойларга, яъни вилоят бошқарувларига бериши муносабати билан вазирликнинг шўъбаларига номзод ва масъул шахслар профессионал

²ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 34425-иш. 26 -варак.

гуруҳлардан тузилган ўлка съездида сайланиб, ҳукумат тасдиқидан ўтказилсин.

3. Молия масаласида - касса бирлиги тамойилига амал қилиш ҳамда Туркистон бюджетини вужудга келтириш мақсадида давлат мол-мулкларидан тушган барча кирим турлари Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукуматига берилсин. Тезлаштирилган тартибда ўлкадаги ер ишлари ва давлат мулклари бошқармаси барча тармоқларининг кирим-чиқим сметасини тасдиқлаш учун ҳукуматга тақдим этилсин"³.

Мазкур резолюция вакиллар орқали Туркистон Мухторияти ҳукуматига юборилган. Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати аъзолари эса уни муҳокама қилиш учун 1918 йилнинг 6 январида мажлис ўтказганлар⁴. Йиғилиш иштирокчилари резолюцияда кўрсатилган масалаларни муҳокама қилиб, қуйидаги қарорларни қабул қилганлар:

1. Ўрмонларни сақлаш, Давлат Ер фондини турли таловлардан ҳимоя қилиш, барча илмий, маданий-маърифий муассасаларни қонун ҳимоясида (даҳлсиз) қолдириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақидаги резолюция тасдиқлансин.

2. Ер ва Давлат мулклари бошқармасини Ер ва сувдан фойдаланиш вазирлиги органи сифатида ислоҳ қилинсин.

3. а) Вилоятлардаги давлат мулклари бошқармаларига Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати томонидан ҳукумат хазинасида сақланаётган пуллар тўғрисида йўриқнома ишлаб чиқилгунига қадар тушган киримларни махсус йиғувчиларнинг депозитига беришга рухсат этиш таклифи киритилсин.

Бир вақтнинг ўзида шу вилоят бошқармаларига меъёрга келтирилган ва хизматчиларнинг ўлка съездида маъқулланган ҳаражатлар сметаларини тақдим этишлари, солиштириш учун таъминотдаги эски ойлик маошларни ва 1917 йилдаги операцион чиқим ва шахсий таркиб таъминоти бўйича сарфланадиган суммалар сонини кўрсатишлари таклифи киритилсин.

б) Ер ишлари вазирига бошқарма ходимларининг делегатлик съездини чақариш, уни вақти ва жойини кўриб чиқиш таклифи киритилсин.

в) Туркистон Мухториятини ягона ва қонуний ҳукумат сифатида тан олган ва қўллаб-қувватлаган ўлкадаги Ер ишлари вазирлиги

³ЎзР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 34425- иш. 6-варақ.

⁴Мажлис баённомаси рус тилида қайд этилган.

1-son

муассасалари ходимларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилсин.

М. Чўқраев, И. Шоҳмедов, М. Танишбаев, У. Хўжаев, Ю. Агаев.
Котиб: А. Мансуров (Имзо)"⁵.

Туркистон Мухториятининг Ер-сув ишлари вазирлиги ҳукуматнинг мазкур қарорлари бажарилишига алоҳида эътибор қаратган⁶. Жумладан, 1918 йилнинг 13 январида мазкур мажлиснинг 3-қарорига мувофиқ, Ер ишлари вазири Юргали Агаев томонидан Тошкент Ер бошқармаси бошлиғи (Ковалев)га зудлик билан телеграмма юборилган.

Телеграммада "Туркистон Мухторияти Қарорига мувофиқ, махсус кўрсатма ишлаб чиқилгунига қадар, фойда олувчи жисмоний шахсларнинг банклардаги пулларидан хазинага олиш мумкин"⁷лиги кўрсатиб ўтилган.

Вазирлик томонидан Ер ишлари бошқармаси ходимларининг делегатлик съездини чақириш, уни вақти ва жойини кўриб чиқиш масаласи юзасидан қабул қилинган қарори ҳам ўрганилган.

1918 йилнинг 19 январида Ю.Агаевнинг Сирдарё вилояти Давлат мулклари бошқармаси бошлиғи А.Е.Вальневга юборган хатидан маълум бўлишича, ҳукуматнинг мазкур қарорига мувофиқ, Туркистон Мухторияти Ер-сув ишлари вазирлиги томонидан 1918 йилнинг 2 февралда Қўқон шаҳрида Ер-сув ишлари вазирлиги хизматчиларининг делегатлик съезди ўтказилиши режалаштирилган. Унда куйидаги саккизта масала муҳокама этилиши кўзда тутилган:

1. "Россия Муваққат ҳукумати томонидан вужудга келтирилган Ер ишлари бошқармалари фаолиятининг ҳолати ҳақида.

2. Ер ишлари Вазирлиги ва Давлат Ер фонди хазинасидаги мол-мулкларни эксплуатация қилиш масаласи (ижарага бериладиган, давлат ерлари ва бошқ.).

3. Жорий йилда Ер ишлари вазирлиги муассасаларига тегишли шаҳар мулкларини шаҳарни ўз-ўзини бошқариш ташкилотларига бериш.

4. Ўлкадаги чорва яйловидан олинадиган йиғимни бекор қилиш масаласи.

⁵ЎзР МДА. 17-фонд, 1-руйхат, 34425 - иш. 12-варақ.

⁶Қозғистонлик олим К.Л. Есмагабетовнинг ёзишича, Ю. Оғоев декабрь ойи охирида ер ишига оид қонун лойиҳасини тайёрлаб битирган. Қаранг: Е с м а г а б е т о в К. Л. Эълм таныган тулга (Мустафа Шоқайнын дунетанумы женэ қайраткерлик бўлмысы). Алматы: Дайк-Пресс, 2008. (122-159-бетлар).

⁷ЎзР МДА. 17-фонд, 1-руйхат, 34425 - иш. 13-варақ.

5. Чорва яйловидан олинадиган йиғимни бекор қилиш натижасида ишсиз қолган қўриқчи (қоровул) иш ўринларини жойлаштириш, уларни қўриқлаш ва ҳимоя аҳамиятига эга бўлган ўрмон ва ўсимликларни махсус қўриқлаш ишларига жойлаштириш.

6. Аҳолини дон маҳсулотлари билан таъминлаш ва озиқ-овқат билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида пахта ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш.

7. Ер ва Давлат мулклари бошқармасини Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукуматининг Ер ва сув ишлари вазирлигига айлантириш.

8. Вазирликнинг 1918 йил бўйича кирим ва ҳаражатлар сметаси муҳокамаси.

Вазир Юргали Агаев, канцелярия бошқарувчиси Винтилин.

*Котиб: А. Мансуров*⁸.

Демак, янги тартибда сайланган Юргали Агаев бошчилигидаги Ер-сув ишлари вазирлиги биринчи навбатда ўзидан аввалги қўмиталар фаолиятини чуқур ўрганиб чиқиш, эски бошқарув шаклини қайта кўриб чиқиш ва янги бошқарув органини ташкил этиш, мураккаб иқтисодий шароитдан келиб чиққан ҳолда баъзи ортиқча йиғимларни бекор қилиш каби масалаларни ҳал қилишни лозим деб топган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Ер-сув ишлари вазирлиги фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар бирламчи манба, ҳали ўқувчилар эътиборига тушмаган янги маълумот сифатида алоҳида қимматга эга.

Мазкур манба Туркистон Мухторияти тарихининг яна бир саҳифасини тўлдириши билан бирга Туркистон Мухторияти ҳукуматининг иқтисодий масалалар юзасидан олиб борган фаолиятига аниқлик киритиш ҳамда узоқ йиллар давомида совет тарихшунослигида "Туркистон Мухторияти ҳукумати томонидан деярли ҳеч қандай иқтисодий тадбирлар амалга оширилмаган, маҳаллий аҳоли мазкур ҳукуматни қўллаб-қувватламаган" каби мазмундаги ёндашувларнинг ноҳолислигини яна бир карра исботлаш имконини беради.

⁸ЎЗР МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 34425-иш. 15-варақ.

С. Мадьярова

Важный источник по истории Туркестанской Автономии

В данной статье приводятся сведения о ценном источнике по истории Туркестанской Автономии 1917-1918 года - связанном с деятельностью Министерства Земледелия, в частности, дана информация о протоколе одного из собраний, проведенного членами правительства автономии.

S. Madyarova

The important source of history of Turkestan Autonomy

In the article is given valuable information on Turkistan Autonomy in 1917-1918 - connected with activity of the Department of the Agriculture, in part about the meeting of the governments of Turkistan Autonomy.

Тарихчи кутубхонасига

Рецензия на монографию А.С. Эркинова "The Andijan Uprising of 1898 and its leader Dukchi-ishan described by contemporary Poets". TIAS Central Eurasian Research Series № 3. Tokyo, 2009. - 118 p.

Книга доктора филологических наук Афтандила Эркинова "The Andijan Uprising of 1898 and its leader Dukchi-ishan described by contemporary Poets" (Андижанское восстание 1898 года и его предводитель Дукчи-ишан в оценках поэтов эпохи), изданная на английском языке в 2009 г. в Токио, состоит из исследовательской части и примечаний: текстов стихов, которых условно можно назвать как "Халжви Дукчи-ишан" ("Сатира на Дукчи-ишана), библиографии и указателя. Предисловие к книге написано известным узбекистанским востоковедом Б.Бабаджоновым.

В данной работе анализируются андижанские события 1898 года под предводительством Мухаммада Али-халифы (1852-1898), более известного как Дукчи-ишан. В 1898 г. в городе Андижане вспыхнуло восстание местного населения против российской колониальной власти. 18 мая того же года около двух тысяч повстанцев атаковали казармы царских войск, которые были дислоцированы в Андижане. Было убито 22 и ранено 18 солдат, также были жертвы среди чиновников российской колониальной администрации и русского гражданского населения. Через два дня, т.е. 20 мая, восстание было подавлено, и Дукчи-ишан с его приближенными был схвачен. Все руководители восстания были повешены, а остальные участники сосланы в Сибирь и другие районы Российской империи.

Известно, что различные аспекты Андижанского восстания 1898 г. освещались преимущественно исследователями-историками. При этом, если в некоторых исследованиях данное событие рассматривается как народное выступление против российского колониального режима, то в других - как реакционный мятеж мусульманских религиозных фанатиков. Учитывая эти особенности историографии проблемы, А. Эркинов проводит анализ некоторых работ современных авторов по Андижанскому восстанию 1898 г. и параллельно рассматривает вопросы методологии изучения этого события, и других подобных народных выступлений, происходивших в период господства Российской колониальной власти в Туркестане. Следует отметить, что автором они рассмотрены в контексте исторической и религиозной ситуации

1-son

в Туркестанском крае и, что также очень важно, в процессе анализа проблемы им были учтены некоторые особенности и специфика среднеазиатской литературы конца XIX - начала XX в.

На мусульманском Востоке литературные произведения достаточно точно и емко отражали реакцию народа, и в какой-то степени формировали взгляды общества на те или иные события. В Средней Азии художественная литература также занимала особое место в оценке общественно значимых событий, являясь относительно демократичной трибуной. Здесь среди местного населения имела давняя традиция выражать свое отношение к значимым событиям посредством поэтического (стихотворного) жанра.

Как полагает автор, для более объективной оценки истории народно-освободительных движений и народных восстаний, в том числе и Андиганского восстания 1898 г., важное значение имеет анализ произведений, созданных очевидцами этих событий. Поэтому в качестве объекта своего исследования он взял цикл стихов, которые были посвящены этому событию.

По мнению исследователя А. Эркинова, данная форма оценки событий была более распространенной в нашем регионе и идеи, взгляды, имеющие в стихотворениях, влияли на сознания людей сильнее, чем оценки, которые имелись в иных видах литературного творчества, так как пафос поэзии оказывался более убедительным, чем рациональный анализ, изложенный в журнальной или газетной статье. Это можно проследить и на примере стихотворений, посвященных как предводителю Андиганского восстания, так и самому событию. Созданные разными авторами конца XIX - начала XX в., они, тем не менее, образуют единый самостоятельный стихотворный цикл "Сатира на Дукчи-ишана". Цикл составляет 20 стихотворений, общий объем которых превышает 1500 строк. До настоящего времени на языке оригинала - староузбекском языке (на кириллице) была опубликована лишь небольшая часть этих стихов. Остальные стихи, находясь в составе различных рукописей и архивных фондов, оставались вне поля зрения исследователей и не были опубликованы. В книге впервые опубликован цикл стихов "Сатира на Дукчи-ишана" на языке и шрифте оригинала, преимущественно на арабском алфавите, включая уже изданные в XX веке (они приведены на кириллице).

Научная значимость данной книги заключается в том, что в ней дается анализ местного дискурса об Андиганском восстании 1898 г. По мнению А. Эркинова, взгляды местных авторов-поэтов, которые

I-son

были отражены в их стихах, на многие события, происходившие в Средней Азии во второй половине XIX - начале XX в. в советский период оставались вне поле зрения исследователей. Это было обусловлено также тем, что на такие темы, как например, восстание Дукчи - ишана, существовал определенный запрет со стороны советской тоталитарной власти.

Поэтому создаваемая картина по отображению событий Андижанского восстания 1898 г., получалась неполноценной. С этой точки зрения привлечение в данной книге местного материала - произведений поэтов эпохи восстания 1898 г. является важным шагом в более объективном изучении данного события. В своей книге А. Эркинов указал на круг поэтов (их более одиннадцати) и подробно описал источники - стихи, в которых эти авторы дают оценку Андижанскому восстанию 1898 г.

Сегодня среди современных исследователей существует мнение, что восстание Дукчи-ишана не было оправдано со стороны местной мусульманской элиты в силу сомнительности происхождения его предводителя. Поэты-современники неоднозначно и довольно критически оценивали его как религиозного деятеля, обвиняя последнего в том, что он шел против намного превосходящей военной мощи Российской империи, подвергая жизнь тысячи людей смертельной опасности. По их мнению, "необдуманные действия Дукчи-ишана стали причинами смерти и мучения невинного населения Андижана". Кроме того, религиозная элита (духовенство) не признала Дукчи-ишана в качестве духовного авторитета Ферганской долины (к ней относились, например, авторы указанного цикла). Они утверждали, что "он не имел соответствующего религиозного генеалогического древа (шаджара), чтобы заявить о его принадлежности к мусульманской элите и тем самым являлся самозванцем". (Несмотря на это, простой народ его считал святым и слепо следовал за ним.) Возможно, поэтому авторы стихов цикла "Сатира на Дукчи-ишана" критически оценивали личность Дукчи-ишана и соответствующим образом характеризовали Андижанское восстание 1898 г.

Подытоживая краткий анализ работы А.Эркинова, необходимо отметить, что издание подобного рода книги на английском языке, несомненно, является важным подспорьем в ознакомлении зарубежных англоязычных исследователей с историей нашего региона.

к. и. н. Б. Пасилов

Муаллифлар ҳақида маълумот

А. Матякубов - Низомий номидаги ТДПУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчиси.

Н. Маҳкамова - ТАТУ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, т.ф.д., доцент.

Ш. Саидов - ТошДШИ Сиёсатшунослик факультети декани, т.ф.н, доцент.

Д. Зияева - ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д.

А. Сабиров - ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Д. Алимова - ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., проф.

С. Шадманова - ЎзР Фа Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

О. Пуговкина - ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.


З. Исоков - ЎзР ФА Тарих институти тадқиқотчиси.

С. Мадьярова - ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Б. Пасилов - ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Журнал муқовасида: Мис самовар. XIX аср.

На обложке журнала: Медный самовар. XIX век.



Индекс 1027

ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2011. № 1